



ТУРИСТИК-МЕҲМОНХОНА МАЖМУАЛАРИДА ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИ ТАННАРХИНИ АНИҚЛАШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Худайбердиев Неъмат

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

ORCID: 0009-0004-7610-9755

xudayberdiyev.n.u@gmail.com

Аннотация. Мақолада туристик-меҳмонхона мажмуаларида фаолият турлари таннархини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тартиблари баён қилинган. Бунда туристик ва меҳмонхона хизматларини кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектларда харажатлар ҳисобининг ўзига хос хусусиятлари очиб берилган.

Калит сўзлар: туризм, меҳмонхона, миқдор, харажатлар, маҳсулот таннархи, таннархи аниқлаш, хусусиятлар.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПОРЯДКА ОПРЕДЕЛЕНИЯ СТОИМОСТИ ВИДОВ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В ТУРИСТСКО-ГОСТИНИЧНЫХ КОМПЛЕКСАХ

Худайбердиев Неъмат

Самаркандский институт экономики и сервиса

Аннотация. В статье изложены направления совершенствования порядка определения себестоимости деятельности туристско-гостиничных комплексов. Раскрыты особенности учета затрат в хозяйствующих субъектах, оказывающих туристские и гостиничные услуги.

Ключевые слова: туризм, гостиница, клиент, затраты, себестоимость продукта, определение себестоимости, особенности.

IMPROVEMENT OF THE PROCEDURE FOR DETERMINING THE COST OF ACTIVITIES IN TOURIST AND HOTEL COMPLEXES

Khudayberdiev Nemat

Samarkand Institute of Economics and Service

Abstract. This article outlines areas for improving the procedure for determining the operating costs of tourism and hotel complexes. It also explores the specifics of cost accounting in business entities providing tourism and hotel services.

Keywords: tourism, hotel, client, costs, product cost, cost determination, features.

Кириш.

Ҳозирги пайтда миллий иқтисодийнинг рақобатбардошлигини оширишнинг асосий мақсадларидан бири устувор стратегик йўналишларни танлаб олишдан иборат. Шу туфайли бугун бутун дунё назари Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияни амалга оширишга қаратилгандир. Стратегиянинг “Миллий иқтисодийни ривожлан-тириш, унинг ўсиш суръатларини замон талаблари даражасида таъминлаш”га бағишланган устувор йўналишида маҳаллий сайёҳлар сонини 12 миллион нафардан ошириш ҳамда республикага ташриф буюрадиган хорижий туристлар сонини 9 миллион нафарга етказиш¹ вазифаси қўйилган.

Ушбу вазифанинг бажарилиши бевосита туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар турларини кўпайтириш, уларнинг сифатини яхшилаш, янги иш ўринлари ташкил қилиш, туризм инфратузилмасини кенгайтириш, ижтимоий-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш бўйича илмий-тадқиқотлар олиб боришни тақозо этмоқда.

Адабиётлар шарҳи.

Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларида иқтисодий муаммолар, бухгалтерия ҳисоби ва аудитни ташкил этиш масалалари хорижий олимлардан Абдрасулова (2005), Бургонова, Каморджонова (1998), Герасимова (1996), кабиларнинг, мамлакатимиз олимларидан Б.Абдукаримов, Ё.Абдуллаев, Р.Дусмуратов, Мусаев (2003), М. Мухаммедов, Уразов, Хасанов (2007), Қурбанов Тухлиев (2008) каби олимларнинг илмий изланишлари муҳим аҳамият касб этади. Шу билан биргаликда қуйидаги олимларнинг фикрлари муҳим аҳамият касб этади деб ҳисоблаймиз.

Абдуллаев ва Исмоиловлар (2001) хўжалик юритувчи субъектларни таснифлашда 2 та мезон, яъни (1) корхонанинг тармоқ ёки соҳага қарашлиги; (2) корхонада ишловчи (банд)лар сони олиниши лозимлиги эътироф этганлар. Улар, чунончи, корхоналарни тармоқ ёки соҳага қарашлигига кўра қуйидаги 5 та гуруҳга ажратганлар: 1. Саноат, қурилиш, транспорт; 2. Қишлоқ хўжалиги; 3. Улгуржи ва чакана савдо; 4. Хизмат кўрсатиш ва «сервис»; 5. Фан ва илмий хизмат.

Мусаев (2003) корхона ва ташкилотларни назорат субъекти сифатида қуйидаги ташкилий-ҳуқуқий шаклларга ажратган: хусусий корхоналар; давлат корхоналари; ширкатлар; ижара корхоналари; қўшма корхоналар; акционерлик жамиятлари; масъулияти чекланган жамиятлар; деҳқон ва фермер хўжаликлари ва бошқалар.

Тошматов (2008) ўзининг “Корхоналарни ривожлантиришда солиқлар роли” монографиясида корхоналарни бизнес, тадбиркорлик бирлиги сифатидаги таснифий асосларини бошқа олимлардан фарқли ўлароқ кенгроқ очиб берган.

Тадқиқот методологияси.

Янги Ўзбекистоннинг туризм соҳасини пандемиядан кейин қайта тикланиш даврида зарур бўлган туристик-меҳмонхона мажмуаларида фаолият турлари таннархини аниқлаш тартибини такомиллаштириш бўйича тадқиқот иши давомда кузатиш, қиёслаш, тизмили ва қиёсий таҳлил каби усуллардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Туристик ва меҳмонхона хизматларини кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектларида харажатлар ҳисоби бир қанча ўзига хос хусусиятларга эга. Ушбу хусусият туристик-меҳмонхона мажмуаларида фаолият турлари таннархини аниқлашнинг ўзига хос хусусиятларини белгилаб беради.

Ушбу хусусиятлар қуйидагиларда ўз аксини топади.

¹ https://www.norma.uz/qonunchilikda yangi/2022-2026 yillarga muljallangan yangi_uzbekiston_ning_taraqqiet_strategiyasi_tasdiqlandi

Биринчидан, туристик ва меҳмонхона хизматларини кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектлар кўп қиррали фаолиятни олиб борадилар. Бундай фаолият турлари бўлиб, жумладан туризм фаолияти, меҳмонхона фаолияти, савдо фаолияти, умумий овқатланишни ташкил қилиш фаолияти, молиявий фаолият ва бошқалар ҳисобланади. Табиий равишда ушбу фаолиятнинг ҳар бир тури даромад келтириш манбаи сифатида маълум сарф-харажатларни қилишни талаб қилади. Даромад ва харажатларнинг мослигини таъминлашнинг муҳимлиги, ҳар бир фаолиятни корхонага наф келтирувчи соҳа сифатида олиб бориш зарурлиги мос равишда уларга сарфланаётган маблағларни аниқ ҳисобини юритишни тақозо этади.

Иккинчидан, туристик ва меҳмонхона хизматларини кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектларини умумий овқатланиш бўлинмалари (ресторан, кафе, бар, буфет ва бошқалар)сиз тасаввур этиб бўлмайди. Ушбу бўлинмалар фаолияти мақомини тўғри белгилаш ҳам катта аҳамият касб этади. Чунки, улар, бир томондан туристларга, иккинчи томондан эса, турист бўлмаган мижозларга хизмат кўрсатади. «Туризм фаолияти тўғрисида қонун»га мувофиқ туристларга умумий овқатланишни ташкил қилишга доир хизматлар туристларга кўрсатилиши керак бўлган мажбурий хизматлардан бири ҳисобланади. Ушбу хизматларнинг қиймати туристик хизматлар таннархига киритилади ва у орқали туризм бўйича олинган даромад таркибида ўз аксини топади. Турист бўлмаган мижозларга умумий овқатланишни ташкил қилиш бўйича кўрсатилган хизматлар мазмун ва моҳиятига кўра савдо фаолияти деб тан олинади. Кўриниб турибдики, биргина умумий овқатланишни ташкил қилиш бўйича хизматларни нотўғри талқин этилиши ҳам туризм, ҳам савдо фаолиятига доир даромадларни, ушбу фаолият турларининг таннархини, шунингдек уларнинг пировард натижалари бўлган фойда (зарар)ни нотўғри топилишига олиб келиши мумкин. Шу боис ҳам, туристик ва меҳмонхона хизматларини кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектларда харажатлар ҳисобини тўғри юритиш, уларни фаолият турлари ўртасида тўғри тақсимлаш ўта муҳим аҳамият касб этади.

Буларнинг барчаси туристик ва меҳмонхона хизматларини кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектларда харажатлар бухгалтерия ҳисобининг энг муҳим ва мураккаб объектларидан бири ҳисобланади. Ушбу ҳисоб объектининг миқдорига туристик ва меҳмонхона хизматларини кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектларининг нафақат умумий эришган якуний молиявий натижалари, балки ҳар бир фаолият тури бўйича эришилган натижаларнинг тўғри ҳисоб-китоб қилинаётганлиги бевосита боғлиқ бўлади. Шу боис ҳам, туристик ва меҳмонхона хизматларини кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектларида харажатлар ҳисобини тўғри юритиш, уларни фаолият турлари ўртасида тўғри тақсимлаш, фаолият турлари таннархини тўғри аниқлаш ўта муҳим аҳамият касб этади.

Туристик ва меҳмонхона хизматларини кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектлар томонидан кўрсатилган туристик, меҳмонхона, савдо ва умумий овқатланиш хизматлари таннархига олиб бориладиган асосий харажатлардан бири бу материал харажатлардир. Туристик ва меҳмонхона хизматларини кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектларда материалларнинг катта қисмини хўжалик буюмлари ташкил этади.

«Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти ҳисоби счетлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома» номли 21 сон БҲМСга мувофиқ инвентарлар ва хўжалик буюмлари фақат омборда сақлангандагидек 1080 «Инвентар ва хўжалик буюмлари» счегида ҳисобга олиб борилади. Ишлаб чиқаришга берилганда ёки бошқа мақсадларда ишлатилганда инвентарлар ва хўжалик буюмлари тўлиқ ишлаб чиқариш ёки давр харажатларига олиб борилади. Инвентар ва хўжалик буюмлари устидан назорат ўрнатиш мақсадида, унинг ҳисобини 014 «Инвентар ва хўжалик буюмлари» балансдан ташқари счегида олиб борилади.

Амалиётда бу ўз навбатида бир қанча муоммаларни содир этмоқда яъни бир йил фойдаланилишига қарамасдан инвентар ва хўжалик буюмлари берилган санада тўлиқ ишлаб чиқариш харажатларига олиб борилиши ўша вақтдаги ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархини ошишига олиб келади.

Шу сабабдан, бизнинг фикримизча, счетлар режасига қўшимча 1081 «Фойдаланишдаги инвентар ва хўжалик буюмлари» счетини киритиш ёки фойдаланишга берилган инвентар ва хўжалик буюмлари фойдаланишга берилганда тўғридан тўғри ишлаб чиқариш ёки давр харажатлари счетига чиқим қилмасдан 3190 «Келгуси давр харажатлари» счетига олиб бориш ва Республикамизда амалда булган ҳисоблаш тамойилига асосан харажат қайси даврга тегишли бўлса ўша давр билан чиқим қилиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Туристик ва меҳмонхона хизматларини кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектлар томонидан кўрсатилган туристик, меҳмонхона, савдо ва умумий овқатланиш хизматлари таннархига таъсир этувчи объектлардан яна бири бу амортизация харажатлари ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча хизмат кўрсатиш давридаги ҳақиқий таннархни акс эттириш мақсадида туристик-меҳмонхона мажмуаларида амортизация ҳисоб-китобини юқорида номи зикр этилган стандартда кўзда тутилган ишлаб чиқариш усули ҳамда мавжуд қувватлардан ҳақиқатда фойдаланиш коэффициентига асосланган ҳолда қуйидаги тартибда амалга оширишн мақсадга мувофиқ:

Биринчидан, ҳисобот даврида (ой, чорак, йил) мавжуд асосий воситаларга амортизация дастлаб Солиқ кодексида белгиланган ставкаларда ҳисобланиши лозим.

Иккинчидан, солиқ кодексида белгиланган ставкаларда ҳисобот даври учун ҳисобланган дастлабки амортизация суммаси мавжуд қувватлардан шу ҳисобот даврида ҳақиқатда фойдаланиш даражаси (коэффициенти) асосида қайта ҳисобланиши керак.

Учинчидан, юқоридаги тартибда қайта ҳисобланган амортизация суммаси ишлаб чиқариш усулида ҳисобланган амортизация суммаси.

Кўрсатилган хизматлар таннархи таркибида акс эттириладиган хизмат сафарларига доир харажатлар муҳим ўрин эгаллайди. Бугунги кунда хизмат кўрсатиш соҳаси субъектлари фаолияти хусусиятлари инобатга олган ҳолда хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият юритувчи субъектларнинг хизмат сафарлари учун берилган қарзларнинг харажатлар таркибида акс эттириш борасида айрим тушунмовчиликлар, хато камчиликлар вужудга келмоқда.

Республикамизда амалда бўлган 21-сон БҲМС «Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома»да² хизмат сафарлари учун берилган қарзларнинг харажатларда акс эттирилиш қуйидагича берилган:

Корхона ходимларига хизмат сафарлари учун берилган бўнақлар 4220 «Хизмат сафарларига берилган бўнақлар» счётида ҳисобга олинади. Хорижга хизмат сафарига юборилаётган ходимга Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2000 йил 7-февралда 16-сон билан тасдиқланган «Вазирликлар, идоралар, корхона ва ташкилотларнинг ходимларини Ўзбекистон Республикасидан ташқарига хизмат сафарига юборилганда хизмат сафари харажатларига маблағлар бериш тартиби»га³ мувофиқ, чет эл валютасида бўнақ берилади. Ушбу валютадаги бўнақ берилган кундаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича сўмга айлантирилади ва сўмда ҳисобга олинади. Хизмат сафарлари учун берилган ва сарфланган чет эл валютасининг ҳисоби алоҳида юритилади.

Туристик ва меҳмонхона хизматларини кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектлар томонидан кўрсатилаётган хизматлар ичида муҳим ўринлардан бирини туристлар ва

² Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2002 йил 23 октябрда рўйхатга олинган, № 1181

³ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 5 июнда рўйхатга олинган, №932

турист бўлмаган мижозларга умумий овқатланишни ташкил қилишга доир хизматлар эгаллайди.

Турист ва меҳмонхона хизматларини кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектлари ўзлари тайёрланган турли таомларни ҳамда сотиб олинган товарларни турист ва турист бўлмаган мижозларга сотади. Туристларга умумий овқатланишни ташкил қилиш бўйича кўрсатилган хизматлар туризм фаолиятининг таннархига ва турист бўлмаган мижозларга умумий овқатланишни ташкил қилиш бўйича кўрсатилган хизматлар савдо фаолиятига тенглаштирилади ва мос равишда сотиш харажатларига олиб борилади. Турист ва меҳмонхона хизматларини кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектларининг умумий овқатланиш бўлинмаларида ҳар бир сотилган овқатнинг (товарнинг) таннархини аниқлаб бўлмайди. Сотилган овқат (товар)нинг таннархини аниқлаш учун ой охирида сотилган ва қолдиқ товарларга тўғри келадиган савдо ва умумий овқатланиш устамаларининг ҳисоб-китоби тузилади. Ушбу ҳисоб-китоб асосида топилган сотилган товарларга тўғри келувчи савдо ва умумий овқатланиш устамаси суммаси соф тушумдан чегирилгач, қолган сумма сотиш таннархини беради.

Мисол учун, айтилик туристик- меҳмонхона мажмуаси ҳисобот даврида қуйидаги кўрсаткичларга эга:

- ҳисобот ойида умумий овқатланиш хизмати жами – 149808,0 минг сўм, шундан: туристларга – 108478,0 минг сўм, турист бўлмаган бошқа мижозларга - 41330,0 минг сўм;
- ҳисобот даврида кирим қилинган товарларга қўйилган умумий овқатланиш савдо устамаси – 76500,0 минг сўм;
- ҳисобот ойи охирига товар(маҳсулот)лар қолдиғи – 12800,0 минг сўм;
- ҳисобот ойи бошига умумий овқатланиш савдо устамаси қолдиғи 13800,0 минг сўм;

1-жадвал

Сотилган ва қолдиқ товарларга тўғри келувчи савдо ва умумий овқатланиш устамалари ҳисоб-китоби

	Кўрсаткичлар	минг сўм
1	Ой бошига умумий овқатланиш савдо устамаси (2980, 2981сўмларнинг кредит қолдиғи)	13800
2	Ой мабойнида сотиб олинган товарларга қўйилган умумий овқатланиш савдо устамаси	76500
3	Жами (1+2)	90300
4	Ой мабойнида сотилган товарлар жами (5+6)	149808
5	Шундан туристларга	108478
6	Турист бўлмаган бошқа мижозларга	41330
7	Ой охирига товарларнинг қолдиғи	12800
8	Жами товарлар суммаси (4+7)	162608
9	Жами умумий овқатланиш савдо устамасининг жами товарларга ўртача ҳиссаси (3/8*100)	55,53%
10	Сотилган товарларга тўғри келадиган умумий овқатланиш савдо устамаси (11+12)	83188
11	Шундан туристларга (5*9)	60238
12	Турист бўлмаган бошқа мижозларга (6*9)	22950
13	Қолдиқ товарларга тўғри келадиган умумий овқатланиш савдо устамаси (3-10)	7112
14	Сотиш таннархи (15+16)	66620
15	Туристларга кўрсатилган хизматлар таннархи (5-11)	48240
16	Турист бўлмаганларга кўрсатилган хизматлар таннархи (6-12)	18380

Юқорида келтирилган маълумотлар бўйича сотилган ва қолдиқ товарларга тўғри келувчи савдо ва умумий овқатланиш устамалари қуйидагича ҳисоб-китоб қилинади (1-жадвалга қаранг).

Хулоса ва таклифлар.

Фикримизча, туристик ва меҳмонхона хизматларини кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектларда барча фаолият турлари таннархи аниқлаш тартибини юқоридаги методологик тартибларда ҳисоб-китоб қилиш, тақсимлаш ҳамда ҳисобини юритиш:

* бухгалтерия ҳисобининг муҳим тамойили бўлган ҳисобот даври даромадлари ва харажатлари мослиги тамойилини амалиётда реал жорий қилинишига;

* бошқарув раҳбарияти ва бошқа қизиқувчиларни корхонанинг барча фаолият турлари таннархи тўғрисида атрофлича ахборот билан таъминлашга;

* барча фаолият турлари таннархинини фаолият турлари бўйича тўғри бюджетлаштириш ва улар устидан қатъий назоратни олиб боришга;

* барча фаолият турлари таннархи таҳлили асосида улар бўйича йўл қўйилган нораціонал чиқимларга келгусида йўл қўймасликига оид бошқарув қарорларини қабул қилиш имкониятларини беради.

Адабиётлар/Литература/Reference:

Абдрасулова Ж. (2005) Бухгалтерский учет в туризме и гостиничном бизнесе. Учебно-практическое пособие. Караганда, –105 с.

Абдрасулова Ж. (2005) Бухгалтерский учет в туризме и гостиничном бизнесе. Учебно-практическое пособие. Караганда, –105 с.

Абдуллаев О. Исмоилов Р. (2001) Кичик ва ўрта бизнесни бошқариш. Ўқув қўлланма. – Наманган. – 13-14-б.

Боташева, Л.С. (2021). Управленческий учет затрат в туристических организациях. *Russian Economic Bulletin*, 4(1), 227-232.

Бургонова Г.Н., Каморджанова Н.А. (1998) Бухгалтерский учет и отчетность в туризме. Учебное пособие - М.: НОЛИДЖ, - 272 с.

Герасимова А., Скапенкер М. (1996) Туристический бизнес: особенности бухучета и налогообложения. // Ж. Экономика и жизнь, № 14.

Досманбетова, А. С. (2013). Бухгалтерский учет в туризме и гостиничном бизнесе. - учебное пособие.

Мусаев Х.Н. (2003) Аудит. Дарслик. – Т.: “Молия”. – 9-б.

Рахимов, С. Х. (2022). Учетно-аналитическое обеспечение организации туристической деятельности. *Вестник Таджикского государственного университета права, бизнеса и политики. Серия общественных наук*, 90(3), 93-99.

Темирханова, М.Ж. (2019) Совершенствование планирования информационной технологии при введении учета затрат в туристических компаниях и организация правил в внесении в учет при расчете финансовых результатов / М. Ж. Темирханова // Научные исследования в социально-экономическом развитии общества: Международная научно-практическая конференция научно-педагогических работников, Саранск, 24–25 апреля 2019 года. – Саранск: АНО СНОЛД «Партнер», – С. 438-442. – EDN ZKOSMY.

Тошматов Ш.А. (2008) Корхоналарни ривожлантиришда солиқлар роли. – Т.: «Fan va texnologiya», – 16-б.

Тухлиев И.С. (2008) Туризм асослари: Услубий қўлланма.-Самарқанд.: СамИСИ, - 247 б.

Уразов К.Б., Худайбердиев Н.У. (2007) Туристик ташкилотларда бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш асослари. –Самарқанд. СамИСИ, - 40 б